



« 3 » март 2014 йил № 58-қ

Қўшработ тумани

“Qishloq Qurilish Invest” injiniering Kompaniyasi Samarqand filialiga 2015 йилда “Осиё тараккиёт” банки кредити маблаг ҳисобидан наъмунавий лойиҳалар асосида яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдони танлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги ПҚ-1167-сонли ва 2010 йил 17 июндаги ПҚ-1354-сонли қарори асосида қабул қилинган Самарқанд вилояти ҳокимининг 2010 йил 22 июндаги 89-Қ-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси”нинг ушбу масала юзасидан тақдим этган тўпламини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2014 йил 28 феврал “Qishloq Qurilish Invest” injiniering Kompaniyasi Samarqand filialiga 2015 йилда “Осиё тараккиёт” банки кредити ҳисобидан “Наъмунавий лойиҳалар асосида яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдони танлаш тўғрисида”ги баённомаси тасдиқлансин (баённома илова қилинади).

2. Зармитан қишлоқ фуқаролар йиғини Солпи қишлоғи ҳудудидан Ердан фойдаланиш харитасининг 775-контуридаги туман ҳокимлиги захира ер фонди ҳисобидаги лалмикор ер майдонидан 2015 йилда бош режа ва наъмунавий лойиҳа асосида 10 та уй-жой қурилиш учун 1.0 (бир) гектар ер майдони танлансин.

3. Туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими бошлиғи Ф.Кўчқоровга туман ер ҳисоботида тегишли тартибда ўзгартириш киритиш вазифасини топширилсин.

4. Туман бош архитектори М.Райимовга наъмунавий лойиҳалар асосида яқка тартибда қурилиши режалаштирилаётган уй-жойларни Бош режа асосида қурилишни амалга ошириш бўйича катъий назорат ўрнатиш вазифаси топширилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Азимов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

О.Алиходжаев